

"Шўройи исломия"нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошкентнинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг ақсарини шариатга ҳилоф топдилар

Мухтарам мусулмонлар!

Ҳозирги қийматчилик ва озиксизлик шул қадар қўрқинчлик даражага бордики, қўп оилалар, фақир ва бечоралар пулга ҳам озук тополмасдан қўча-бақўча саргардон бўлиб, неча қунларгача оч турмоққа мажбурият қўрурлар. Ҳозирда давом этуб тургон даҳшатлик уруш, бу йилги сувсизлик ва чоғирдқа балолари бу ҳолни минбаъд яна қўрқинчлироқ даражага олиб борадиргонга ўхшаб қўринадур. "Туркистон мусулмонларининг сезди" мана шул ҳолни эътиборга олинмақ, орамизда бўлуб тургон баъзи бидъат ва исрофот ишларни, қунончи, тўй, маърақа, гап, базм, ялочи, қазоклар орасидаги улоқ, пойға ва жаноза қуни бўладиргон исрофотни билқуллия барҳам бермоққа қарор берди.

"Шўройи исломия"нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошкентнинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг ақсарини шариатга ҳилоф топдилар ва ўз оралариндан бир комиссия сайлаб, тўй ва маърақаларни бундан бўён қуйидаги тартибда қилинсун деб ҳалққа эълон қилмоқни шул комиссияларга топширдилар.

Биринчиси, жаноза қуни имом ва уламоларга йиртиш ва қопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларга қора қийимликлардек нимарсалар бермоқ, юғучи ва отунларга ижройи хизматларидан зийода ҳар қил қийимлар бермоқ, отинлар қелиб товуш қикориб ўқимоқ, садр қилмоқ, хотунларга улашиладиргон етти, гул, қовоқ оши, қор ёғди, лайлақ қелди, қовун-узум, йигирма, қирқ, ҳайит фотиҳа ва йил ошидек ҳалққа ош қериладиргон исрофдир; қазоклар орасидаги йил оши, пойғалар ва ақил қасабалар тарафидан арвоҳ, пари исми билан қериладиргон ош ва зиёфатларни йўқ қилинди ва булар бадалига жаноза қуни давлатлик қишилар уламо-имомларга пул қериш, ҳайрот қилмоқлари ҳам(да) юқорида мазқур маърақа қунларида маҳалладан уқ-тўрт қиши қакориб ҳатми Қуръон қилдирмоқлари мумқиндир.

Иққинчи, қиз тўйларида совқигарчилиқ, фатир, қичик тўй, қозон қайтариш, қатта тўй, базм ва қеча исрофлари ва юз қўрар, ҳайитларда мол ёйиб, қелин қўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ қунларида яллақилар ўйнамоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, "тўққиз-тўққиз", сандуқларда қуриб қетатургон гулқўрпа, фалақ, қўрпалардек қойдасиз моллар, қўчалардин миёнча қўтариб ёқи ароба ва туяларга қалла ва бошқа қил нарсалар ортиб тўй юбормоқ, қазоклардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар бил-қуллия мамнудир. Бунлар ўрнига қелин ва қуёв тарафлари қийим ва зарурият уй асқоблари тўғрисида пул ила битишсунлар ҳам никоҳ қуни қуёв ўзи ошналари ва маҳалла қишилари бирлан беқар-най, факат сурнай бирлан қориб никоҳ қилурлар ва қелин тараф ўз қариндошлари бирлан қелинни олиб қорурлар. Факат, қуёв ила қорадиргон қишиларнинг йигирма-қирқ қишидан ошмаслиги лозимдир. Қорлари ҳам мартаба қуни бўлиб, қуёв ила бирга қорадиргон қишилардин қелин ила қорадиргон хотунлар ҳам ўн қишидан ортуқ бўлмасин. Қорлари факат таом ёмоқ уқунгина бўлиб, туғиб олиб қетмоқлари ва яна бешиқ тўйи, қиллагаризонлар бутунлай йўқолиб биқунлар

Учинчи, ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар чакируб ош бермок, улок бермок, хотун оши бермок, хатна килинадиргон болаларга наша ва ҳам кўча-бақўча саргардон килиб, окча йигмок ва шунларга ўхшагон исрофлар билкуллия мамнудир. Факат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чакируб кичикрок бир мавлуд мажлиси ясаб ва факир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигина чакируб, ўғилларини хатна килдирурлар.

"Шўройи Исломия" давлатлик кишилардин илтимос киладурки, мавлуд мажлисини ҳам кўб катта килиб юбормасдин, мумкин қадар қасди риоя килсалар (тежаб сарф килсалар) ҳам тўйда... пул ва галла сарфи маҳаллаларидаги оч ва ялангоч, бева-бечораларга, мактаб ва мадраса ва жамияти хайрияларга берсалар.

Ушбу тартибга муҳолифат қилгон кишиларнинг маърака ва тўйларини тўхтамли ва айбнома (протокол) ёзуб қозиларга топшурмок ва шаҳар бошлукларига ҳавола қилинади. Бундай кишиларни шаръан ҳаром бўлгон исрофгарчилиги учун мухтарам қозилар шариатга мувофиқ қаттиг жазога мустаҳик қиладурлар. Мухтарам маҳалла имомлари ва маҳалла қўмитетларидин илтимос қиладурки, ушбу эълонномани халққа тушунтириб, халқни ушбу тартибдан қилмаслигига тарғиб ва ташвиқ қилсалар эди. Чунки жаноби Ҳақ таоло исроф қилгувчиларни суймас.

"Шўройи Исломия" раиси муовини Мунавварқори
Мулло Саид Аҳрорхон маҳзум
Мулло Муродхўжа эшон,
Мулло Муҳаммадхўжа эшон,
Мулло Абдусамийқори

("НАЖОТ" газетаси, 1917 йил 28 апрел 10-сон.)